



“Тасдиқлайман”

Тошкент давлат юридик университети  
профессори Д.Умаров

19 ” 02 2016 йил

## ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТ РЕГЛАМЕНТИ

### 1. Хизматнинг (паспорти) тавсифи.

#### 1.1. Хизматнинг номи

Тошкент давлат юридик университетидаги (бундан кейинги матнда – университет) бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш.

#### 1.2. Хизмат натижаси

Университетдаги бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш.

#### 1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар ва бланклар қабул қилиш жойлари

Университетнинг расмий веб-сайти [www.tsul.uz](http://www.tsul.uz) орқали амалга оширилади.

Университетнинг Кадрлар бўлими бошлиғи тегишли лавозим бўшаган кундан **уч иш куни** давомида Компьютер техникасига хизмат кўрсатиш ва дастурий таъминот бўлими бошлиғига вақант лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши шарт.

Университетнинг Компьютер техникасига хизмат кўрсатиш ва дастурий таъминот бўлими бошлиғи **бир иш куни** мобайнида вақант лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни университетнинг веб-сайтига жойлаштириши шарт.

Хизматдан фойдаланиш учун бланкларни тўлдириш кўзда тутилмаган.

#### 1.4. Ҳуқуқий асослар

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

“Электрон ҳуқумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

“Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сон қарори.

#### 1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар хизматдан фойдаланувчилар ҳисобланади.

#### 1.6. Сўров тақдим этиш муддати

Хизматдан фойдаланиш учун сўров тақдим этиш муддати кўзда тутилмаган.

#### 1.7. Ижро қилиш муддати

Маълумотлардан фойдаланиш суткада 24 соат мобайнида Интернет тармоғи орқали таъминланади.

#### 1.8. Сўровни тасдиқлаш муддати

Фойдаланувчининг рўйхатдан ўтганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги хат кўзда тутилмаган.

### 2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш.

#### 2.1. Маълумотларнинг ҳажми ва таркиби

Университетдаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар;

Университетга ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар.

## **2.2. Кенг оммага етказиш**

Университет томонидан университетнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни кенг оммага етказиш бўйича семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар ўтказилади.

## **2.3. Сўровга асосан хабардор қилиш**

Мурожаат усуллари:

Университетнинг веб-сайти;

веб-сайтга суткада 24 соат давомида кириш мумкин.

## **2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида маълумот**

Интернет тармоғи орқали университетнинг расмий веб-сайтлари.

Университет куйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, телефонлар: (0 371) 233-33-36, 233-37-48. Яқиндаги метро станцияси “Амир Темур хиёбони”.

## **2.5. Фойдаланиладиган ҳужжатлар бланклари (шакллари)**

Бланklar тўлдириш кўзда тутилмаган.

## **3. Хизмат кўрсатиш**

### **3.1. Иш вақти**

Маълумотлардан фойдаланиш суткада 24 соат мобайнида Интернет тармоғи орқали таъминланади.

### **3.2. Кутиш шартлари**

Расмий веб-сайтлар орқали кутиш шартлари кўзда тутилмаган.

## **4. Хизмат кўрсатиш тартиби**

### **4.1. Зарур ҳужжатлар**

Хизматдан фойдаланиш учун ҳужжат тақдим қилиш талаб қилинмайди.

### **4.2. Хизмат учун тўлов**

Кўзда тутилмаган.

### **4.3. Давлат хизмати кўрсатиш босқичлари**

Расмий веб-сайтларнинг навигацион менюлари орқали.

### **4.4. Давлат хизматининг кўрсатишнинг ички идоравий тартиблари**

Веб-сайт орқали хизматдан фойдаланиш тўлиқ автоматлаштирилган ҳамда ички идоравий тартиблар кўзда тутилмаган.

### **4.5. Рад қилиш асослари Основания отказа**

Хизмат кўрсатишни рад этиш кўзда тутилмаган.

## **5. Хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш**

### **5.1. Сифат кўрсаткичлари**


Давлат органларининг расмий веб-сайтларига ўрнатилган асосий талаблар (“Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарори).

### **5.2. Сифатсиз кўрсатилган хизмат бўйича шикоят қилиш**

www.tsul.uz веб-сайтидан фойдаланиш бўйича муаммолар юзасидан (0 371) 233-66-36 телефон рақами орқали Компьютер техникасига хизмат кўрсатиш ва дастурий таъминот бўлимига мурожаат қилиниши мумкин.

“КЕЛИШИЛГАН”


Компьютер техникасига хизмат  
кўрсатиш ва дастурий таъминот  
бўлими бошлиғи

 Д.Дўскобилов

«10» 02 2016 й.

“КЕЛИШИЛГАН”

Кадрлар бўлими бошлиғи

 Ш.Хамракулов

«10» 02 2016 й.

**Давлат хизматини кўрсатиш схемаси**

